

ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ
УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!



IJTIMOIY - SIYOSIY GAZETASI



Gazeta 2004-yil
1-yanvardan chop
etila boshlagan

30-iyul
2026-yil
30 (1 184)

Кудратилла РАФИҚОВ,
сиёсатшунос

Юраги Ватан ва халқ дарди, меҳру
муҳаббати билан уриб турадиган, ўз сурати
ва сийратида МИЛЛАТ ШАВКАТИ
тимсолини тобора ёрқин ифода этиб
бораётган Шавкат Мирзиёевдан биз,
келажак авлод, қолаверса, тарих ҳали кўп
нарсани ўрганиши, сабоқ чиқаришига ўзида
кучли эҳтиёж сезишига мен тўлиқ ишонаман.

21asr.uz

XXIasr_yangiliklari

XXIASR

XXI_asr@mail.ru

xxiasrgazetasi

XXIasrgazetasi



ТАРИХ ТЎЛҚИНИДАГИ ИЗҲОРЛАР

Тарих тўлқинида яшаймиз. Кечамиздан бугунимиз яхши, эртаимиз бундан-да яхши бўлажигига ишонамиз. Лекин баъзан ўткинчи ташвишлар сабабми, ҳаётимиз қандай ўзгариб бораётганини гўёки кўрмай, сезмай ҳам қоламиз. Инсон қулайликка тез ўрганади. Яна янги-янгисини истай бошлайди. Шундай пайтда недир муносабат билан беш йил, ўн йил олдинги ҳолатимизга бир лаҳза қайтсак, ўзгаришлар жараёнининг ҳақиқий манзараси кўз ўнгимизда яққол гавдаланади.

“XXI asr” газетаси ўтган ҳафта ижтимоий тармоқларда тарқалган “тарих тўлқинидаги изҳорлар”ни жамлади. Марҳамат, юртдошларимизнинг чин дилдан чиққан эътирофларини ўқинг ва ўзингизнинг самимий хотираларингизни ҳам бошқаларга сўзлаб беринг.

6



НАВОИЙ
ВИЛОЯТИДА
САЛОҲИЯТ
ҲАМ,
ИМКОНИЯТ
ҲАМ БОР,
ЛЕКИН...

#XalqBilanBirga
SAYYOR QAB



Мамлакатимизда ҳудудларни комплекс ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, инвестицияларни кенгайтириш ҳамда ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу вазифаларнинг самарали ижроси, энг аввало, жойлардаги ҳақиқий аҳоли ўрганиши, аҳолини қийнаётган тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларнинг амалий ечимларини таклиф этишга боғлиқ.

Шу мақсадда Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Ақтам Хайтов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Навоий вилоятининг Нурота ва Конимех туманларида кенг қамровли ўрганишлар ўтказди.

Ўрганишлар давомида аҳоли билан очик мулоқотлар, сайёр қабуллар ташкил этилди. Тадбиркорлар, фермерлар, чорвадорлар, таълим муассасалари раҳбарлари, соҳа мутахассислари ва мутасадди ташкилотлар вакиллари билан учрашувлар ўтказилиб, ҳар бир муаммоларнинг келиб чиқиши сабаблари ҳамда одамларнинг турмуш тарзи ва ҳудуд иқтисодиётига таъсири чуқур таҳлил қилинди.

Таҳлиллар Нурота ва Конимех туманлари улкан иқтисодий имкониятларга эга эканини яна бир бор тасдиқлади. Бироқ инфратузилма, бошқарув ва айрим ҳуқуқий муаммолар мавжуд салоҳиятдан тўлиқ фойдаланишга тўсқинлик қилмоқда. Агар бу масалалар тизимли ҳал этилса, мазкур ҳудудлар нафақат Навоий вилояти, балки мамлакат иқтисодиётининг муҳим ўсиш нуқталарига айланиши мумкин.

3




Натижа рақамда эмас,
самарадорликда кўринсин

ИСТИҚЛОЛ МКОНЛАРИ

Ўттиз беш йил тарих учун қошу киприк орасидек фурсат. Аммо шу қисқа даврда асрларга татигулик ишлар амалга оширилди. Айниқса, сўнгги ўн йилдаги ислохотлар кўлами янада ҳайратланарли.

Хоразмнинг кенжа туманларидан ҳисобланмиш Боғот мисолида сўз юритадиган бўлсак, барча тармоқларнинг жадал ривожланаётганини исботловчи бир дунё рақам ва далиллар, ҳаётини мисолларга дуч келамиз.

Яхшиси, бу ҳақда айрим юртдошларимизнинг фикр-мулоҳазаларига назар ташлайлик.



БИЗНЕСДА БИЗ ҲАМ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ!



Ҳамма гап тажрибада!

МУНОСАБАТ

O'zLiDeP АКЦИЯСИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган ҳудуд ва тармоқларда иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича биринчи ярим йиллик таҳлили бўйича видеоселектор йиғилиши олдимида турган вазифаларнинг нақадар кенг қамровли эканини яна бир бор кўрсатди.



Муқаддасхон АХМЕДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Натижа рақамда эмас, самарадорликда кўринсин

Ҳудуд раҳбарларидан шунчаки ҳисобот эмас, уларнинг қандай янги захиралар топгани, ишга солиш тизими ва йил якунигача эришилган аниқ натижа кутилди. Албатта, сўз ва рақам эмас, одамлар ҳаётидаги реал ўзгаришлар муҳимдир. Қувонарли жиҳати, йил бошидан юртимиз иқтисодиёти 8,5 фоизга ўсган, саноатда 8, хизматлар соҳасида 16,9, қурилишда 13,8, қишлоқ хўжалигида эса 4,7 фоизлик ўсиш таъминланган, инвестициялар ҳажми 28 млрд, экспорт 14,4 млрд долларга етган, халқаро рейтинг агентликлари томонидан суверен кредит рейтингимиз бир поғонага яхшилланган, буларнинг бари жиддий ютуқ. Бироқ қарийб қирқ миллионлик нуфусга эга бўлиб бораётган мамлакатимиз халқи фаровонлигини янада ошириш учун бизга 9-10 фоизлик иқтисодий ўсиш зарур, ҳар бир соҳада ички имкониятларни тўлиқ ишга солиш даркор.

Очиғини айтганда, йиғилишда Президентимиз эълон қилган қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш натижалари парламент вакили сифатида мени ҳам жиддий ўйлантириб қўйди. Дарҳақиқат, илгари эълон қилинган рақамларга нисбатан қорамоллар сонининг 2,1 млн, қўй ва эчкилар сонининг эса 1,5 млн бошга кам чиққани шунчаки статистик фарқ эмас, балки чорвачилик соҳасидаги ҳақиқий аҳолининг ачинарли эканлигидир. Масалан, Қашқадарё вилояти мисолида қорамоллар сонининг 171 минг бошга, қўй ва эчкиларнинг 288 минг бошга камлиги аниқлангани бозорга 50 минг тонна гўшт ва 120 миллион литр сўт чиқмаслигини англатади ва бундай ҳолатнинг

бошқа вилоятларда ҳам мавжуд бўлиши эҳтимолини ўйлашга мажбур қилади.

Айниқса, жорий йилнинг апрель-июнь ойида гўшт нархининг 6-8 фоизга кўтарилгани, шу сабабли импорт гўштни саноатда ташиш харажатларини қоплаш учун 300 млрд сўм ажратилгани шошилиш, бироқ зарур чора эмасми? Давлатимиз раҳбари ҳокимлар ва масъулларнинг гўшт балансини вилоятлар кесимида қайта қўриб чиқиб, қачон ва қайси давлатдан қанча гўшт олиб келиш бўйича аниқ режа тузиши шартлигини таъкидлагани ҳам бежиз эмас.

Чорвачилик лойиҳалари учун май ойида Қишлоқ хўжалиги жамғармасидан 1 трлн сўм, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан яна 50 млн доллар йўналтирилиши, чорва комплекси ташкил этишга 5 млрд сўмга, насли қорамолчилик учун 20 млрд сўмга 10 фоизли, 10 йил муддатли ва 4 йиллик имтиёзли даврга эга кредитларнинг ажратилиши чорвадор ва фермерларимиз учун реал ёрдам, десак адашмаймиз. Йил якунигача четдан 100 минг бош қорамол ва 150 минг бош қўй-эчки олиб келиш вазифасининг қўйилиши соҳа учун муҳим қадам бўлиб, бу маблағлардан фойдаланиш шаффофлигини таъминлаш бўйича Парламент назорати кўчайтирилиши тарафдориман. Жойларда интервенция тизимининг тўғри йўлга қўйилмагани сабабли пишиқчилик пайтида далада картошка нархининг тушиб кетиши ва фермерларда манфаатдорлик бўлмагани учун 325 минг тонна картошканинг сотилмай туриши фермерларимиз меҳнати беҳудага сарф

этилганидир. Шу боис картошкани фермерлар фойда кўрадиган нархда захирага олиб, тақчиллик пайтида бозорга чиқариш орқали барқарорликни ушлаш зарурлиги таъкидланди. Бундай интервенция механизмини қонун даражасида мустаҳкамлаш, аниқ муддат ва масъулият чегараларини белгилаш зарур, акс ҳолда бу муаммо ҳар йили такрорланаверади.

Бугунги қишлоқ хўжалиги фақат дала билан чекланмайди, албатта. У уруғчиликдан бошланиб, етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш ва экспортга ча бўлган яхлит тизимдир. Шу сабаб ҳар бир ҳудудда маҳсулотнинг тўлиқ қиймат занжирини яратиш устувор вазифага айланиши керак. Айни дамда халқаро бозорлар маҳсулот ҳажмидан кўра, унинг сифати, хавфсизлиги ва сертификатларига кўпроқ эътибор қаратмоқда. Демак, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорт географиясини кенгайтириш учун, энг аввало, халқаро стандартларга тўлиқ мос келадиган ишлаб чиқариш тизимини ривожлантиришимиз зарур.

Бунинг учун логистика марказларининг фаолиятини самарали ташкил этиш, музлатиш омборлари қувватини ошириш, саралаш ва қадоқлаш инфратузилмасини кенгайтириш, таъқиқ бозорларнинг талабини чуқур ўрганиш муҳим вазифалардан бўлиб қолади. Шунингдек, мева етиштирилаётган ҳудудда фақат боғлар эмас, балки саралаш марказлари, совутич омборлари, қайта ишлаш корхоналари ва экспорт инфратузилмасини ҳам ривожлантириш долзарб аҳамиятга эга.

Киберхавфсизлик маблағ ва мулkingизни ҳимоялайди!

Бугун инсоният тараққиёти янги босқичга – рақамли иқтисодиёт ва рақамли трансформация даврига қадам қўйди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида тадбиркорлик субъектлари фаолияти ҳам замонавий ахборот технологиялари билан узвий боғланиб бормоқда. Электрон тижорат, онлайн тўлов тизимлари, электрон ҳужжат айланиши, масофавий хизматлар ва рақамли платформалар бугунги бизнеснинг ажралмас қисмига айланди.



Маъруфжон РАҲМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Албатта, рақамлаштириш тадбиркорлар учун янги имкониятлар эшигини очмоқда. Бироқ ҳар қандай тараққиёт сингари бу жараён ҳам янги хавф-хатарларни юзга келтирмоқда. Кибержиноятчилик, шахсий ва тижорат маълумотларининг ўғирланиши, молиявий фирибгарлик, зарарли дастурлар ҳамда интернет орқали амалга оширилаётган фирибгарлик схемалари тадбиркорлик фаолияти учун жиддий таҳдидга айланмоқда.

Шу маънода O'zLiDeP ташаббуси остида амалга оширилаётган “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури доирасида “Киберхавфсиз тадбиркор” номли кенг қамровли ижтимоий-маърифий акцияга старт берилгани кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Кўзланган асосий мақсад тадбиркорларни кибертаҳдидлардан ҳимояланишга доир билим ва кўникмалар билан қуроллантириш, уларнинг ахборот хавфсизлиги бўйича ҳуқуқий ва амалий саводхонлигини оширишдан иборат. Ушбу лойиҳа орқали тадбиркорларга кабинетларда туриб эмас, балки уларнинг ўзи фаолият юритаётган ҳудудларда, юзма-юз мулоқот шаклида керакли билим ва тавсиялар етказилмоқда.

Киберхавфсизлик маркази маълумотларига кўра, миллий ахборот маконида ҳар йили миллионлаб зарарли ва шубҳали тармоқ фаолликлари аниқланмоқда. Шу билан бирга, юз минглаб веб-сайтларга нисбатан турли кўринишдаги киберхужумлар қайд этилмоқда.

Ташвишли жиҳати шундаки, бундай таҳдидларга энг кўп кичик ва ўрта бизнес субъектлари дуч келмоқда. Йирик компанияларда ахборот хавфсизлиги бўйича махсус мутахассислар ва замонавий ҳимоя воситалари

мавжуд бўлса-да, афсуски, аксарият кичик тадбиркорларда бундай имкониятлар чекланган. Натижада биргина киберхужум тадбиркорнинг молиявий маблағларига зарар етказиши, мижозлар базасининг йўқолиши, хизмат кўрсатиш жараёнининг тўхташи ва энг муҳими, ишбилармонлик обрўсига жиддий путур етказиши мумкин.

Мамлуки, мамлакатимизда киберхавфсизлики таъминлаш соҳасида мустаҳкам ҳуқуқий база шакллантирилган. Жумладан, 2022 йил 15 апрелда қабул қилинган “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги қонун 2022 йил 17 июлдан кучга кириб, соҳани ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда муҳим қадам бўлди. Бу қонунда кибержиноятчилик, кибермакон, кибертаҳдид, киберҳимоя, киберхавфсизлик каби асосий тушунчаларнинг ҳуқуқий таърифи берилган, давлат органлари, ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилган.

Шунингдек, 2024 йил 20 сентябрда қабул қилинган **964-сонли қонун** билан банк-молия тизими, электрон ҳукумат ва муҳим ахборот инфратузилмаларини киберҳимоя қилишга доир талаблар янада кучайтирилди.

Бу, шубҳасиз, давлатимиз томонидан киберхавфсизлик масаласига юсак эътибор қаратилаётганини кўрсатади. Бироқ ҳар қандай қонуннинг самараси унинг мазмуни аҳолига, айниқса, тадбиркорларга тўғри ва тушунарли тарзда етказилгандагина намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан O'zLiDeP томонидан ташкил этилаётган мазкур акция ҳуқуқий тарғибот билан амалий ёрдамни ўзаро уйғунлаштирган муҳим ташаббус ҳисобланади.

Энди “Киберхавфсиз тадбиркор” акцияси доирасида ўтказилаётган очик мулоқотлар, семинар-тренинглар ва амалий учрашувларда қандай йўналишларга эътибор қаратилаётгани хусусида сўз юритамиз:

– тадбиркорларга мустаҳкам ва мураккаб пароллардан фойдаланиш, икки босқичли аутентификация (2FA) ни жорий этиш, зарарли ҳаволалар ва сохта электрон хатларни аниқлаш бўйича амалий тавсиялар берилмоқда;

– банк карталари, электрон ҳамёнлар ва тўлов тизимларидан хавфсиз фойдаланиш усуллари тушунтириляпти;

– корхона ахборотларини захира нусхалаш, мафий маълумотларни ҳимоя қилиш ва лицензияланган дастурий таъминотдан фойдаланишнинг аҳамияти кенг ёритилади;

– ходимларда киберхавфсизлик маданиятини шакллантиришга алоҳида урғу берилади. Чунки халқаро таҳлиллар ҳам кўрсатмоқдаки, киберҳодисаларнинг катта қисми айнан инсон омил – эътиборсизлик, билим етишмаслиги ёки фирибгарларнинг психологик усулларига алданиш оқибатида содир бўлади.

Таъкидлаш керакки, бугун киберхавфсизлик масаласи фақат IT мутахассисларининг вазифаси эмас. У, энг аввало, ҳар бир фуқаро, жумладан, ҳар қандай тизимдаги раҳбар, ҳар бир ҳисобчи, ҳар бир ходим ва, табиийки, исталган тадбиркорнинг кундалик фаолиятининг ажралмас қисмига айланиши лозим.

Чунки замонавий бизнеснинг энг қиммат бойлиги фақат маблағ ёки мулк эмас, балки маълумот, мижозлар ишончи ва ишчанлик обрўсидир. Уларни асраш эса киберхавфсизлик талабларига қатъий амал қилишдан бошланади.

ИСЛОҲОТЛАР ОРТИДА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ТУРИБДИ

Мамлакатимизда кейинги йилларда ичимлик суви ва оқова сув тизимини ривожлантиришга қартилган кенг қўламли ишлар натижасида соҳада сезиларли ўзгаришлар юз берди. Бугун юртимизда қурилган ичимлик суви тармоқларининг умумий узунлиги 39 минг километрга етди. Бу Ер шарини экватор бўйлаб деярли бир марта айланиб чиқишга тенг улкан масофадир. Бироқ бу ютуқлар билан бир қаторда ечимини қўраётган масалалар ҳам бор, албатта. Айни пайтда истеъмол учун узатилаётган ҳар уч литр сувнинг бири истеъмолчига етиб бормаётгани соҳада сув ресурсларидан янада самарали фойдаланиш зарурлигини кўрсатади.

Яқинда Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида ичимлик ва оқова сув хизматларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган тақдимотда соҳанинг бугунги ҳолати ҳар томонлама таҳлил қилиниб, устувор вазифалар белгилаб берилди. Таҳлилларга кўра, сўнгги тўққиз йилда соҳага жалб қилинган инвестициялар ҳажми ўн баробар ошиб, 2,7 миллиард долларга етди. Шу даврда аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 63 фоиздан қарийб 83 фоизга кўтарилди. Натижада 7,7 миллион нафар аҳоли биринчи марта марказлашган ичимлик сувига эга бўлди, 11 миллион кишининг сув таъ-

миноти яхшиланди, 1,1 миллион аҳоли канализация тармоғига уланди. Бу кўрсаткичлар соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, энг аввало, инсон манфаатига хизмат қилаётганини яққол намоён этади.

Тақдимотда йил якунига қадар умумий қиймати 600 миллион долларлик лойиҳаларни амалга ошириш белгиланди. Бу доирада минглаб километр ичимлик суви ва канализация тармоқлари қурилади. Натижада юзлаб маҳаллаларда яшовчи аҳоли биринчи марта марказлашган сув таъминотига уланади, миллионлаб фуқароларнинг сув таъминоти сифати янада яхшиланади. Шунингдек, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида йирик сув таъминоти лойиҳаларини

жадаллаштириш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Муҳим қарорлардан яна бири мамлакатимиздаги 232 мингга кўча сув колонкасини босқичма-босқич тугатиб, ичимлик сувини бевоқиф хонадонларга киритишдан иборат. Бу нафақат муҳандислик ечими, балки миллионлаб оилалар турмушини энгиллаштирадиган, айниқса, аёллар ва болаларнинг меҳнати ҳамда вақтини тежайдиган муҳим ижтимоий ислохотдир.

Тақдимотда соҳанинг молиявий барқарорлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хизмат кўрсатиш таннарини қоплайдиган, иқтисодий жиҳатдан асосланган тариф тизимини шакллантириш, магистрал сув таъминоти корхонаси ҳамда Идоралараро тариф комиссиясини ташкил этиш таклифлари қўлаб-қувватланди.

Мутахассислар ҳисоб-китобига кўра, 2030 йилга бориб мамлакатимизда ичимлик суви бўлган талаб яна 230 миллион куб метрга ошади. Шу билан бирга, ҳозир тармоқлардаги сув йўқотишлари 35 фоизни ташкил этмоқда. Шу боис рақамли бошқарув тизимлари, SCADA ва GIS техноло-

гиялари, замонавий ҳисоблагичлар ҳамда сунъий интеллект ечимларини жорий этиш орқали сув йўқотишларини 25 фоизгача қисқартириш вазифаси қўйилди. Пировард мақсад – ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини 90 фоизга, шаҳарларда канализация хизматлари қамровини эса 80 фоизга етказишдир.

Шу билан бирга, соҳа учун малакали кадрлар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу замонавий технологияларни самарали жорий этиш ва амалга оширилаётган ислохотларнинг барқарор натижа бериши учун муҳим омил ҳисобланади.

Энг муҳими, бугунги ислохотлар фақат янги қувурлар ёки иншоотлар қуриш билан чекланмайди. Уларнинг замирида аҳоли турмуш сифатини юксалтириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, соҳани замонавий бошқарув асосида ривожлантириш ва инсон қадрини янада юксалтиришдек эзгу мақсад мужассам. Зеро, ҳар бир хонадонга етиб борган тоза ичимлик суви халқ фаровонлиги, соғлом ҳаёт ва юрт тараққиётининг муҳим мезонидир.



Одилжон МАМАДАЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси



НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА САЛОҲИЯТ ҲАМ, ИМКОНИЯТ ҲАМ БОР, ЛЕКИН...

◀ Бошланиши 1-саҳифада.

Нурота – табиий бойликлар хазинаси

Нурота тумани бой минерал-хомашё ресурслари билан республикада алоҳида ўрин тутади. Асрлар давомида бу ҳудуд Марказий Осиёнинг йирик тоғ-кон марказларидан бири сифатида танилган. Буюк Ипак йўли даврида ҳам Нурота тошга ишлов берish ва ҳунармандчилик ривожланган ҳудудлар қаторида бўлган.

Бугун Нуротада қурилиш саноати учун стратегик аҳамиятга эга гранит, мрамор, базальт, кварц ва дала шпати каби қимматли қазилмаларнинг йирик захиралари мавжуд. Мутахассислар ҳисоб-китобига кўра, гранит ва мрамор захиралари 750 миллион куб метрдан ортиқ бўлиб, бу ички бозор эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш билан бирга экспорт ҳажмини ҳам бир неча баробар ошириш имконини беради.

Сўнгги йилларда соҳада сезиларли натижаларга эришилди. Хусусан, 2025 йилда 460 гектардан зиёд кон майдони ўзлаштирилди. Натижада пардозбоп тош маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2019 йилга нисбатан қарийб 11 баробар ошиб, йиллик қувват 5,3 миллион квадрат метрга етди.

Инвестициялар ҳажми ҳам жадал ўсмокда. Агар 2024 йилда соҳага 25 миллион доллар хорижий инвестиция жалб қилинган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткич 125 миллион долларга етди. 2030 йилга қадар умумий қиймати 1,5 миллиард долларлик 50 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми йиллик 15 миллион квадрат метргача ошиши, минглаб янги иш ўринлари яратилиши ва экспорт салоҳияти янада юксалиши кутилмокда.

Бироқ бу юксак суръатларга муносиб транспорт инфратузилмаси ҳали шаклланмаган. Айни пайтда маҳсулотларнинг асосий қисми автомобиль транспортида ташилмокда. Бу эса маҳсулот таннархини ошириб, экспорт рақобатбардошлигини пасайтирмокда. Шу билан бирга, оғир юк машиналари автомобиль йўлларининг тез емирилишига ва таъмирлаш харажатларининг кўпайишига сабаб бўлмокда.

Мутахассислар ушбу муаммони ҳал этишнинг энг самарали йўли сифатида Учқулоч (Жиззах вилояти) – Тошқура (Конимех тумани) темир йўл станцияларини Нурота орқали боғлайдиган янги темир йўл тармоғини қуришни таклиф қилмокда. Бу лойиҳа юк таший харажатларини камайтириш, маҳсулот таннархини пасайтириш, экспорт имкониятларини кенгайтириш ва тоғ-кон саноати учун мустақкам логистика тизимини яратишга хизмат қилади.

Табиий бойликдан қўшимча қиймат яратиш вақти келди

Конимех тумани иқтисодиётининг энг муҳим устунликларидан бири – бой минерал-хомашё захираларидир. Бироқ табиий бойлиكنинг ўзи ҳудудни бой қилмайди. Ундан қандай фойдаланиш тараққиётни белгилайди.

Бугун айрим корхоналар минерал ресурсларни қазиб олиш билан чекланиб, уларни хомашё кўринишида сотмокда. Бу эса давлат томонидан берилган лицензияларнинг асосий мақсади – қўшимча қиймат яратадиган саноатни ривожлантириш вазифасига тўлиқ жавоб бермайди.

Хусусан, ўрганишлар давомида фосфорит конларидан қазиб олинётган хомашёнинг саноат усулида қайта ишланмаётгани аниқланди. Натижада минерал ўғитлар ва бошқа юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятидан тўлиқ фойдаланилмапти.

Шу боис лицензия шартларининг бажарилишини қатъий назорат қилиш, инвестиция мажбуриятларини бажармаган субъектлар фаолиятига ҳуқуқий баҳо бериш ҳамда кон участкаларини замонавий қайта ишлаш қувватларини ташкил этадиган инвесторларга ажратиш муҳим аҳамиятга эга.

Мутахассислар ҳисоб-китобига кўра, бундай ёндашув камида 800 минг тонна фосфоритни чуқур қайта ишлаш, йилгига 160 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш, 250 та янги иш ўрни яратиш ва давлат бюджетига 10 миллиард сўмдан ортиқ қўшимча тушум келтириш имконини беради.

Конимех иқтисодиётининг таянчи

Конимех республикадаги энг йирик яйлов ҳудудларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун чорвачилик минглаб оилаларнинг асосий тирикчилик манбаи бўлиб қолмокда. Бироқ ўрганишлар давомида бу соҳада ҳам қатор муаммолар борлиги аён бўлди. Кейинги йилларда дерматит, ола ўпка, сарғайма, оқсил каби касалликларнинг янги турлари кенг тарқалиши оқибатида бир қатор фермер ва аҳоли хўжаликларига минг бошдан зиёд майда шохли чорва нобуд бўлган. Мутахассислар фикрича, бу муаммони фақат импорт вакциналари билан ҳал қилиб бўлмайди. Касалликларни тез аниқлайдиган лабораториялар, маҳаллий шароитга мос вакцина ва ветеринария препаратларини ишлаб чиқариш тизимини йўлга қўйиш давр талаби ҳисобланади.

Шу муносабат билан Конимехда замонавий илмий-амалий ветеринария марказини ташкил этиш таклиф этилмокда. Бундай марказ касалликларни эрта аниқлаш, маҳаллий вакцина ишлаб чиқариш, мутахассислар тайёрлаш ва халқорар илмий ҳамкорлиқни ривожлантиришга хизмат қилади.

Бугун Конимехда 1 миллиондан ортиқ майда шохли мол, 27 мингдан зиёд қорамол ва 200 мингдан ортиқ парранда парваришланади. Бундай катта чорва фондини замонавий рақамли тизимсиз самарали бошқариш тобора қийинлашмокда.

Шу боис Хитой тажрибаси асосида чорва молларини интеллектуал электрон чиплар билан таъминлаш таклиф



қилинмокда. Бу тизим орқали ҳайвонларнинг жойлашуви, эмланиши, касаллик тарихи ва маҳсулдорлиги ҳақидаги маълумотлар ягона электрон базага жамланади.

Эътиборлиси, бу йўналишда дастлабки амалий тажриба ҳам бор. “Ibodillo ota yagona chorva” фермер хўжалигида синов тариқасида ўрнатилган электрон чиплар ижобий натижа бергани боис яна 10 минг дона чип харид қилиш бўйича шартномалар имзоланган.

Бу тизим касалликларни эрта аниқлаш, ветеринария хизматлари сифатини ошириш, чорва нобудгарчилиги ва ўғирлик ҳолатларини камайтириш, энг муҳими, соҳани замонавий рақамли бошқарувга ўтказиш имконини яратади.

Янги кимё кластери – янги иқтисодий ўсиш нуқтаси

Конимехнинг яна бир катта устунлиги – бой минерал-хомашё базаси ва қулай транспорт-коммуникация имкониятларидир.

Бугун кимё саноати корхоналарининг асосий қисми Навоий шаҳри ва Кармана туманида жойлашган. Бу эса экологик юклама ортиши ва ер ресурсларининг чекланишига сабаб бўлмокда.

Ўрганишлар Қарақата овули атрофида махсус ихтисослаштирилган кимё саноати зонасини ташкил этиш учун барча зарур шароитлар мавжудлигини кўрсатди. Ҳудуд темир йўл, электр энергияси, газ ва сув тармокларига экин, аҳоли яшаш жойларидан эса нисбатан узоқ.

Мутахассислар мазкур ҳудудда 150 гектар майдонда кимё саноати кластери ташкил этишни таклиф қилмокда. Бу ерда юқори технологияли ишлаб чиқаришлар, лабораториялар, муҳандислик марказлари ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни жойлаштириш мумкин.

Бунинг учун ер тоифасини ўзгартириш, саноат зонасига темир йўл тармоғини тортиш, электр қуввати ҳамда газ таъминотини яхшилаш зарур. Ушбу ташаббус амалга оширилса, Навоий вилоятида янги саноат маркази шаклланади, экологик юклама камаяди, юзлаб янги иш ўринлари яратилади ва ҳудуднинг инвестициявий жозибадорлиги янада ортади.

Инсон капитали – энг катта сармоя

Ҳар қандай иқтисодий тараққиётнинг асосида инсон капитали туради. Шу нуқтаи назардан Конимехда мактабгача таълим қамрови 89,7 фоизга етгани муҳим натижа ҳисобланади.

Бироқ чекка чўл ҳудудларидаги қарийб 25 та овулда мактабгача таълим хизматлари ҳали ҳам тўлиқ йўлга қўйилмаган. Мутахассислар фикрича, аҳоли тарқоқ жойлашган ҳудудларда катта боғчалар қуришдан кўра, 10–30 ўринли контейнер типидagi боғчалар ва мобил таълим гуруҳларини ташкил этиш анча самарали.

Бу нафақат маблағни тежайди, балки ўн нафар бола яшайдиган овулда ҳам мактабгача таълимни ташкил этиш имконини беради. Бу эса ҳар бир боланинг тенг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга хизмат қилади.

Чўл туризмини ривожлантириш вақти етди

Конимех тумани иқтисодиётини диверсификация қилишда туризм ҳам муҳим драйверга айланиши мумкин. Айниқса, Янгйқазган овули ҳудудидаги чўл ландшафтлари, миллий ўтовлар ва бетакрор табиат нафақат маҳалли, балки хорижий сайёҳларни ҳам жалб этмокда.

Бугун бу ҳудудда 9 та миллий ўтовли туристик лагерь фаолият юритмокда. 2025 йилда уларга 79,3 минг нафар маҳаллий ва хорижий сайёҳ ташриф буюрди. Бу Конимехнинг чўл туризми бўйича мамлакатдаги энг истиқболли ҳудудлардан бирига айланаётганини кўрсатади.

Соҳага йўналтираётган хусусий инвестициялар ҳажми ҳам ортиб бормокда. Жумладан, 2026 йилда умумий қиймати 17 миллиард сўмлик икки йирик туристик лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Бироқ соҳанингда жадал ривожланишида айрим ҳуқуқий тўсиқлар мавжуд. Хусусан, саксовулзорлардан иборат ўрмон фонди ерларини инвесторларга узоқ муддатли фойдаланишга бериш тартибини янада соддалаштириш зарур. Бу тадбиркорларнинг енгил конструкцияли туристик объектлар қуриши, банк кредитларини жалб қилиши ва янги хизмат турларини йўлга қўйишига кенг имконият яратади.

Айдаркўл – янги туристик йўлак

Айдаркўлнинг табиий имкониятларидан комплекс фойдаланиш ҳудуд туризмининг янги босқичга кўтариши мумкин. Мутахассислар Конимех соҳили билан Жиззах вилоятининг Фориш туманини туристик кема ва катерлар қатнови орқали боғлашни таклиф этмокда.

Бу лойиҳа чўл туризми, кўл туризми, тоғ туризми ва экотуризмни ягона маршрутга бирлаштириш имконини беради. Сайёҳлар бир сафарнинг ўзида миллий ўтовлар, туя саёҳатлари, Айдаркўл манзаралари ва Форишнинг машҳур тоғли қишлоқлари билан танишиш имконига эга бўлади.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, сув йўналишининг узунлиги 50–70 километр, саёҳат давомийлиги эса 2–3 соатни ташкил этади. Бу халқаро туризм стандартлари учун ҳам мақбул кўрсаткич ҳисобланади.

Яйловлардан қандай фойдаланиляпти?

Конимех аҳолисининг асосий тирикчилик манбаи чорвачилик бўлгани учун яйловлардан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ўрганишлар шуни кўрсатдики, аҳоли пунктлари атрофидаги айрим яйловлар узоқ муддатли ижарага берилгани сабабли шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари чорвасини эркин ўтлатиш имконияти чекланган.

Шу муносабат билан аҳоли пунктлари атрофида ижарага бериладиган яйловларнинг минимал масофасини ошириш ҳамда жамоат яйловларини ташкил этиш таклиф этилмокда. Бу аҳоли даромадларини кўпайтириш, чорвачилиқни ривожлантириш ва ижтимоий келишмовчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Туячилик – соғлиқ учун кони фойда

Ўрганишлар давомида “Баймурат” овул фуқаролар йиғинининг Қалмуратқазган овулида туя сути орқали соғломлаштириш хизматларига қизиқиш йил сайин ортиб бораётгани ҳам қайд этилди. Ҳозирги вақтда қарийб 10 та оила мазкур йўналишда фаолият юритмокда. Бироқ соҳани кенгайтиришга бир қатор омиллар тўсиқлик қилмокда. Хусусан, бир бош маҳсулдор туянинг бозор қиймати ўртача 30 миллион сўмни ташкил этади. Туялар тўлиқ маҳсулдорлик даврига тўрт-беш йилда етади, икки йилда бир марта болалайди. Фаолиятни иқтисодий жиҳатдан самарали йўлга қўйиш учун эса ҳар бир хўжаликда камида 4–5 бош туя бўлиши талаб этилади. Бу эса аксарият ташаббускор оилалар учун катта молиявий юк ҳисобланади. Шу муносабат билан туячилик ва туя сути орқали соғломлаштириш хизматларини ривожлантириш мақсадида давлат томонидан имтиёзли, узоқ муддатли кредитлар ажратиш, жумладан, туя хариди учун 100 миллион сўмгача, меҳмон қабул қилиш инфратузилмасини шакллантириш учун 50 миллион сўмгача мақсадли молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш таклиф этилмокда.

Ушбу чоралар амалга оширилса, ҳар бир хонадонда туя сути асосида соғломлаштириш хизматларини тизимли ташкил этиш имконияти пайдо бўлади. Ҳисоб-китобларга кўра, бир меҳмонга 10 кунлик хизмат кўрсатиш ҳисобига ўртача 1,4 миллион сўмгача даромад олиш мумкин. Шунингдек, бир бош маҳсулдор туя бир вақтнинг ўзида 5–6 нафар мижозни сут билан таъминлаш имконига эга.

Натижада туячилик нафақат чорвачиликнинг алоҳида тармоғи, балки тиббий соғломлаштириш туризми, агротуризм ва маҳаллий хизматлар соҳасини бирлаштирувчи юқори қўшимча қийматга эга янги иқтисодий йўналишга айланади. Бу эса Конимех туманининг туристик брендини янада мустаҳкамлаш, аҳоли даромадларини кўпайтириш ва қишлоқ жойларда янги иш ўринлари яратишга хизмат қилади.

Сув бор жойда ҳаёт бор

Чўл ҳудудлари учун ичимлик суви энг муҳим ҳаётий масаладир. Ўрганишлар Қарақата, Баймурат ва Учтепа овулларида сув таъминоти билан боғлиқ муаммолар ҳали

ҳам сақланиб қолаётганини кўрсатди.

Сўнгги йилларда қазилган бешта янги тик қудуқ туфайли 1 405 нафар аҳоли ва 55 мингдан ортиқ чорва барқарор сув манбаи билан таъминланди. Бу нафақат турмуш шароитини яхшилади, балки аҳоли даромадларининг ўсишига ҳам хизмат қилди.

Бироқ яна бир қатор овулларда сув муаммоси сақланиб қолмокда. Шу боис яна бешта янги қудуқ қазиш, уларни замонавий насослар ва қуёш панеллари билан жиҳозлаш таклиф этилмокда.

Бу лойиҳа амалга оширилса, 2 570 нафар аҳоли барқарор ичимлик суви билан таъминланади, чорвачилик имкониятлари кенгайди ва минглаб одамлар учун янги даромад манбалари яратилади.

Хотин-қизлар меҳнати қадр топади

Ўрганишлар давомида Конимех туманининг олис чўл ҳудудларида яшаётган аҳоли, айниқса, хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини янада ошириш имкониятлари ҳам атрофлича таҳлил қилинди.

Маълумотларга кўра, мазкур ҳудудларда қарийб 6,5 минг нафар хотин-қиз истиқомат қилади. Улар оилавий деҳқончилик ва томорқа хўжаликлари билан бир қаторда чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда ҳам фаол иштирок этмокда. Хусусан, фақат 2025 йилнинг ўзида аҳоли томонидан 17 минг тонна сут ва 800 тоннадан ортиқ жун етиштирилган. Бироқ ушбу маҳсулотларнинг асосий қисми қайта ишланмасдан, арзон хомашё сифатида сотилмокда ёки айрим ҳолларда умуман нобуд бўлмокда.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, муаммонинг асосий сабаби аҳолида сут ва жунни қайта ишлаш учун кичик қувватли ускуналарнинг мавжуд эмаслиги ҳисобланади. Натижада маҳаллий аҳоли юқори қўшимча қиймат яратиш имкониятидан фойдалана олмаयпти. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 мартдаги 158-сон қарори билан тасдиқланган Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаси фаолиятига тегишли қўшимчалар киритиш таклиф этилмокда. Жумладан, давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан хотин-қизларга жун йиғириш, гилам тўқиш, сутни қайта ишлаш ва қадоқлаш, қимиз, шубат, қурут, қуруқ қаймоқ, пилшоқ каби тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган кичик ускуналарни харид қилишга базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача субсидия ажратиш мақсадаги мувофиқлиги қайд этилди.

Мутахассисларнинг фикрича, ушбу таклиф амалга оширилса, ҳозирги қунда арзон хомашё сифатида сотилаётган ёки нобуд бўлаётган сут ва жун маҳаллий шароитнинг ўзида юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулотларга айлантирилади. Бу эса маҳсулот таннархини эмас, балки унинг бозор қийматини бир неча баробар ошириш имконини беради. Энг муҳими, қишлоқ аёллари учун хонадон шароитида ишлаш имконияти кенгайди, қўшимча иш ўринлари яратилади, оилаларнинг барқарор даромад манбалари шаклланади ҳамда чўл ҳудудларида кичик қайта ишлаш саноати ривожланиши учун мустақкам асос яратилади. Натижада Конимех туманида хомашё сотишдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш орқали қўшимча қиймат санжирги шаклланиб, маҳаллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги янада ортади.

Ер унумдорлиги юқори ҳосилдорлик гаровидир

Кейинги йилларда пахта ва ғалла майдонларига органик ўғитлар етарли миқдорда киритилмаётгани оқибатида тупроқ таркибидаги гумус миқдори пасайиб бормокда. Бу эса нафақат тупроқнинг табиий унумдорлигига, балки минерал ўғитларнинг самарадорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатмокда.

Маълумки, органик моддаларга бой тупроқ минерал ўғитларни яхшироқ ўзлаштиради, намликни узоқроқ сақлайди ва ўсимлик илдиз тизимининг ривожланиши учун қулай муҳит яратади. Органик моддалар камайганда эса минерал ўғитлардан кутилган натижа ҳам пасаяди. Бу ҳолат фермернинг харажатлари ошаиб, ҳосилдорлиكنинг камайишига сабаб бўлади.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, тупроқ унумдорлигини тиклаш учун ҳар гектар майдонга ўртача камида 5 тонна органик ўғит киритиш, шунингдек, дала чеккаларида ва зовурлар бўйида компост хандақлари ташкил этиб, маҳаллий органик чиқиндилар асосида компост тайёрлаш тизимини кенг жорий этиш зарур. Бу нафақат ер унумдорлигини тиклаш, балки минерал ўғитларга бўлган эҳтиёжни қисқартириш, маҳсулот таннархини пасайтириш ва экологик барқарор қишлоқ хўжалигини шакллантиришга хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, Нурота ва Конимех туманларида иқтисодий ўсиш учун имконият етарли. Фақат мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш, табиий бойликларни хомашё эмас, тайёр маҳсулотга айлантириш, инфратузилмани ривожлантириш ва инсон капиталига сармоя киритиш жоиз.

Темир йўл қурилиши, минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш, кимё кластери ташкил этиш, ветеринария маркази очиш, рақамли чорвачилиқни жорий қилиш, чўл туризмининг ривожлантириш, ичимлик суви инфратузилмасини яхшилаш ва хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича илмий сурилган ташаббуслар изчил амалга оширилса, бу икки туман нафақат Навоий вилоятининг, балки бутун мамлакатнинг иқтисодий ўсиш нуқталарига айланиши шубҳасиз.

O'zLiDeP ишчи гуруҳи тақдим этган материаллар асосида Абдулла ЧИМИРЗАЕВ тайёрлади.

БИЗНЕСДА БИЗ ҲАМ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ!

МАМЛАКАТИМИЗДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ, УЛАРНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ТАШАББУСЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ ҲАМДА ОИЛАВИЙ БИЗНЕС ВА ХУНАРМАНДЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР Йўналишларидан бирига айланди. О'zLiDeP томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “ИШБИЛАРМОН АЁЛ” кўрик-танлови ана шу эзгу мақсадга хизмат қилувчи энг оммавий ва нуфузли лойиҳалардан бирига айланмоқда. ДАВЛАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 35 йиллиги ҳамда

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

“Ишбилармон аёл – 2026” кўрик-танловининг Чимбой туман босқичида турли соҳаларда самарали меҳнат қилиб, тадбиркорлик



орқали янги иш ўринлари яратаётган, маҳаллий иқтисодиёт ривожига муносиб ҳисса қўшаётган фаол хотин-қизлар иштирок этди. Ҳакамлар ҳайъати томонидан иштирокчиларнинг тадбиркорлик фаолияти, инновацион ёндашуви, ижтимоий масъулияти, яратилган иш ўринлари ҳамда маҳсулот ва хизматларининг рақобатбардорлиги белгиланган мезонлар асосида атрофчила баҳоланди.

Натижаларга кўра **1-ўрин** – “Маржан шебер” МЧЖ раҳбари, моҳир хунарманд **Зулфия Нуриμβетова**га насиб этди. Тадбиркор қарийб 20 йилдан буён миллий қорауй безаклари – бош қўр, оқ қўр, қизил қўр, пўпак, эшик қоши каби анъанавий маҳсулотларни ишлаб чиқармоқда. Унинг раҳбарлигида 30 дан ортиқ мавсумий ишчи меҳнат қилади. Ўз уйида ташкил этган устaxonаси бугунги кунда маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун жозибадор туристик манзилга айланган бўлиб, туманнинг сайёҳлик салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

2-ўрин – “Қорауй безаклари” МЧЖ раҳбари **Миваш Туреназарова**га берилди. Тадбиркор қарийб 20 йилдан буён миллий қорауй безаклари – бош қўр, оқ қўр, қизил қўр, пўпак, эшик қоши каби анъанавий маҳсулотларни ишлаб чиқармоқда. Унинг раҳбарлигида 30 дан ортиқ мавсумий ишчи меҳнат қилади. Ўз уйида ташкил этган устaxonаси бугунги кунда маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун жозибадор туристик манзилга айланган бўлиб, туманнинг сайёҳлик салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

3-ўринни эса иссиқxонада гулчилик билан шуғулланувчи ишбилармон **Мавлюда Алимбетова** эгаллади. Тадбиркор ўз фаолияти орқали 2 та доимий ва 3 та мавсумий иш ўрни яратган. Иссиқxонасида 60 га яқин турдаги гуллар етиштирилади. У Наманган ва Жиззах вилоятларидаги илғор хўжаликлардан янги навлар келтириб, онлайн савдо ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали гулчилик бўйича ўқув дарсларини йўлга қўйган.

Зулфия Нуриμβетова,
танлов ғолибаси,
“Маржан шебер”
МЧЖ раҳбари:

– Бизнинг асосий мақсадимиз нафақат даромад топиш, балки жамиятда меҳрга ва қўллаб-қувватловга муҳтож, имконияти чекланган хотин-қизларимизга суянч бўлишдир. Корxонамизда 36 нафар ногиронлиги бўлган аёлларни хунарга ўргатиб, уларнинг доимий бандлигини таъминлаганимиздан ва жамиятда ўз ўринларини топишларига кўмаклашётганимиздан faxрланаман. Бугунги “Ишбилармон аёл” кўрик-танловидаги ғалаба – бутун жамоамиз

меҳнатининг юксак эътирофидир. Партиянинг эътибори ва билдирилган ишончи бизга янги-янги халқаро грантларни жалб қилиш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда кўпроқ хотин-қизларни иш билан таъминлаш учун ғайрат ва илҳом бағишлайди.

Тадбир сўнггида ғолиб ва совриндорлар партия томонидан таъсис этилган диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланиб, танловнинг вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

**О'zLiDeP Қорақалпоғистон
Республикаси**
Кенгаши матбуот хизмати

БУХОРО

Танловнинг **Ғиждувон туман** босқичида ўз маҳалласида маҳорати, ташаббускорлиги ва эришган ютуқлари билан танилган 8 нафар фаол, тадбиркор ва хунарманд хотин-қиз ўз тажрибалари, ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ва бизнес лойиҳаларини кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этди.

Талабчан ва ҳолис ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг фаолият кўлами, яратган иш ўринлари, инновацион ёндашувлари ва жамиятдаги фаоллигини атрофчила баҳолаб, танлов ғолиб ва совриндорларини қуйидагича аниқлади.

1-ўрин Дегрезон маҳалласида истиқомат қилувчи моҳир дизайнер **Машхура Аҳмедова**га насиб этди ва у танловнинг вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритди;

2-ўрин – Позагари маҳалласида ёғоч ўймакорлиги йўналишида миллий қадриятларимизни ривожлантириб келаётган хунарманд **Мафтуна Усмонова**га берилди;

3-ўрин эса Тахтадон маҳалласида томорқа хўжалигини самарали ташкил этиб, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришда юқори натижаларга эришаётган **Дилайра Қудратова**га насиб этди.

Машхура Аҳмедова,
танлов ғолибаси,
дизайнер:

– Дизайнерлик касби мени ҳамisha ўзига мафтун қилиб келган. Бугун шу йўналишда фаолият юритиб, янги-янги ғояларни ҳаётга тат-



ПАРТИЯНИНГ “ХАЛҚ БИЛАН БИРГА” УМУММИЛЛИЙ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА “ЯҒОНА ВАТАН, ЯҒОНА ХАЛҚ Бўлиб янги ҳаёт ва келажак яратамиз” шиори остида ўтказилаётган “ИШБИЛАРМОН АЁЛ – 2026” кўрик-танловининг туман ва шаҳар босқичлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида юқори уюшқоқликда бўлиб ўтмоқда.

ТАНЛОВДА МАҲАЛЛАЛАРДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН, ЯНГИ ИШ ўринлари яратаётган, миллий қадриятларимизни тиклаб, экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқараётган ҳамда аҳоли

биқ этмоқдаман. Танловда меҳнатимнинг муносиб эътирофи этилиши катта куч ва рағбат бўлди. Вилоят босқичига йўлланма олганим зиммамга янада улкан масъулият юклайди. Бундан буён тинмай изланаман, фаолиятимни кенгайтириб, соҳага қизиқувчи ёшларга ўз билим ва тажрибамни сифқидилдан ўргатаман.

Тадбир якунида ғолиб ва совриндорлар, шунингдек, турли номинациялар бўйича энг муносиб деб топилган иштирокчиларга О'zLiDeP туман кенгаши томонидан диплом, ташаккурнома ҳамда эсдалик совғалари тантанали равишда топширилди.

**О'zLiDeP Бухоро вилоят
кенгаши матбуот хизмати**

НАВОИЙ

Танловнинг **Навоий шаҳар** босқичи ҳар йилгидан-да кўтаринки кайфиятда ўтди. Иштирокчилари-



нинг фаолияти ҳамкор ташкилотлар вакиллари, Навоий шаҳар Маҳаллалар уюшмаси масъуллари, шаҳар ва вилоят кенгаши депутатларидан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан ҳар томонлама ҳолис баҳоланди. Баҳолаш жараёнида иштирокчиларнинг хотин-қизлар учун иш ўрни яратгани, “Аёллар дафтари”даги фуқароларни касб-хунарга ўқитиш ва бандлигини таъминлашга қўшган ҳиссаси, экспортга йўналтирган ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми, аҳолига кўрсатаётган хизматлар сифати ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этилган инновацион ғояларига алоҳида эътибор қаратилди.

Якуний баҳолаш натижаларига кўра:

1-ўрин – “Ravon tour” МЧЖ раҳбари **Манзура Шодиева** (Зарафшон маҳалласи)га;

2-ўрин – “Чадос – 2019” МЧЖ раҳбари, “Чадос – Навоий” бренди асосчиси, юмшоқ ўйинчоқлар ишлаб чиқарувчи тадбиркор **Латофат Ҳусанова** (Тараққиёт маҳалласи)га;

3-ўрин – кўрпа-тўшак ва тикувчилик йўналишида фаолият юритаётган ишбилармон **Ораса Ҳамроева** (Ишонч маҳалласи)га насиб этди.

Номинациялар бўйича:
“Замонавий ташаббускор аёл” – тикувчи **Зулхия Асадова** (Ўзбекистон) маҳалласи;
“Йилнинг мурувватли ишби-

лармон аёли” – ширинликлар ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тадбиркор **Гавҳар Исмоилова** (Ватан маҳалласи);

“Энг ёш, фаол аёл тадбиркор” – трикотаж маҳсулотлар ишлаб чиқариш устаси **Дурдона Бекмамова** (Янгиобод маҳалласи)га берилди.

Манзура Шодиева,
1-ўрин соҳибаси,
“Ravon tour”
МЧЖ раҳбари:

– Бугунги танлов нафақат фаолиятимизни намойиш этиш, балки бошқа тадбиркор аёлларнинг тажрибасини ўрганиш, янги ғоя ва ташаббуслар билан танишиш учун ҳам катта имконият бўлди. Биринчи ўринга муносиб қўрилиш бахт! Бу эътироф фаолиятимни янада кенгайтириш, туризм соҳасида янги лойиҳаларни амалга ошириш ва хотин-қизлар

Навбахор туманида ҳам ушбу танловнинг туман босқичи юқори савияда ўтказилди. 2-техникумда ўтган беллашувда турли соҳаларда меҳнат қилаётган 18 нафар тадбиркор, хунарманд ва фермер хотин-қиз иштирок этиб, ўз тажрибалари, эришган натижалари ва келгуси режаларини ҳакамлар ҳайъатига тақ-



дим этдилар. Улар мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш ҳамда оилавий тадбиркорлик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга қаратилган ислохотлар юксак самара бераётганини таъкидладилар.

Шаҳноза Омонова,
танлов ғолибаси,
“Мирзамўмин чеварлари”
МЧЖ раҳбари:

– Фаолиятимни биттагина тикув машинаси билан бошлаган эдим. Ҳозирда юмшоқ ўйинчоқлар ишлаб чиқариш ва қуроқчилик йўналишида

БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА МУНОСИБ ҲИССА ҚўШАЁТГАН ЮЗЛАБ МОҲИР ТАДБИРКОР, ФЕРМЕР ВА ХУНАРМАНД АЁЛЛАР ўз лойиҳалари билан иштирок этмоқдалар. Танловдан кўзланган асосий мақсад – хотин-қизларнинг тадбиркорлик соҳасидаги фаоллигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрнини мустаҳкамлаш, янги иш ўринлари яратишга хизмат қилаётган эзгу ташаббусларини рағбатлантириш ва тажрибаларини оммалаштиришдан иборат.



касаначилиكنи йўлга қўйиш орқали 10 нафар аёлнинг бандлигини таъминлаганман. Шунингдек, хусусий мактабгача таълим муассасасини ташкил этиб, қарийб 20 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизни доимий иш билан таъминлашга эришдим.

Ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг бизнес ташаббуслари, ишлаб чиқариш ҳажми, яратган иш ўринлари, инновацион ёндашувлари ва ижтимоий фаоллигини низом мезонлари асосида ҳолис ва адолатли баҳоладилар.

Натижага кўра:
1-ўрин – арабхоналик **Шаҳноза Рустамова**га чинни ва сопол идишлар ишлаб чиқариш йўналишидаги муваффақиятли фаолияти учун;

2-ўрин – Янгийўллик “Мирзамўмин чеварлари” МЧЖ раҳбари **Шаҳноза Амонова**га юмшоқ ўйинчоқлар ишлаб чиқариш, тикувчилик ҳамда хусусий мактабгача таълим соҳасидаги ибратли фаолияти учун;

3-ўрин – қоражонлик **Латофат Орипова**га ширинликлар ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўналишидаги самарали меҳнати учун тақдим этилди.

Шунингдек, номинациялар бўйича ғолиблар ҳам тақдирланди:

“Замонавий ташаббускор аёл” – **Моҳинур Эргашова** (Пахтакор маҳалласи, хона гуллари етиштириш бўйича тадбиркор);

“Қишлоқни ижтимоий ривожлантиришда фаоллик кўрсатган фермер аёл” – **Раъно Равшанова** (Бешрабат маҳалласидан, фермер, тикувчилик ва чорвачилик йўналишлари ташкилотчиси);

“Энг ёш, фаол аёл тадбиркор” –

лаш босқичларида муносиб иштирок этган 22 нафар тадбиркор, фермер ва хунарманд хотин-қиз ўз лойиҳалари ҳамда ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан қатнашди. Ҳакамлар ҳайъатининг ҳолис баҳосига кўра танловнинг асосий ғолиб ва совриндорлари қуйидагича эътироф этилди.

1-ўринга кўп тармоқли фермер хўжалиги ҳамда “Гулистон истиқбол” – 2019” оилавий корхонаси раҳбари **Чарос Нурманова**;

2-ўринга яқка тартибдаги тадбиркор **Башорат Мамаражабова**;

3-ўринга паррандачилик йўналишида фаолият юритаётган ишбилармон **Билдўз Исматова** муносиб қўрилди.

Чарос Нурманова,
танлов ғолибаси,
кўп тармоқли фермер
хўжалиги раҳбари:

– Фаолиятимни 2016 йилда атиги бир гектар ер майдонида бошлаган эдим. Бугунги кунга келиб 25 гектар майдонда кўп тармоқли фермер хўжалигини бошқариб, ўнлаб юрдошларимиз, айниқса хотин-қизларимиз учун доимий ва мавсумий иш ўринларини яратдим. Етиштираётган майиз ва грек ёнғоғимизни хорижга экспорт қиляпмиз. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириб, асаларичилик ва балиқчилик йўналишларини ҳам йўлга қўйишни режалаштирганимиз.

**О'zLiDeP Навоий вилоят
кенгаши матбуот хизмати**

Бир сўз билан айтганда, “Ишбилармон аёл – 2026” кўрик-танловининг ҳудудий босқичлари шуни яққол кўрсатдики, бугун ўзбек аёли нафақат оилада сариштали бека, балки кичик бизнес ва йирик ишлаб чиқариш тармоқларини муваффақиятли бошқараётган, экспорт ҳажмини ошираётган ва ижтимоий масъулиятни ўз зиммасига олаётган қудратли кучдир.

Танловнинг қуйи босқичларида ғолибликни қўлга киритган ва юқори эътирофга сазовор бўлган ишбилармон хотин-қизларимиз эндиликда кўрик-танловнинг вилоят ҳамда республика босқичларида ўз ҳудудлари шарафини муносиб ҳимоя қиладилар. Зеро, тадбиркор аёлни қўллаб-қувватлаш – оилани, жамиятни ва пировардида бутун мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш демакдир.

Саҳифани “XXI asr” муҳбири
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА
тайёрлади.



Ўттиз беш йил тарих учун қошу киприк орасидек фурсат. Аммо шу қисқа даврда асрларга татигулик ишлар амалга оширилди. Айниқса, сўнгги ўн йилдаги ислохотлар кўлами янада ҳайратланарли.

Хоразмнинг кенжа туманларидан ҳисобланмиш Боғот мисолида сўз юритадиган бўлсак, деярли барча тармоқларнинг жадал ривожланаётганини исботловчи бир дунё рақам ва далиллар, ҳаётий мисолларга дуч келамиз.

Яхшиси, бу ҳақда айрим юртдошларимизнинг фикр-мулоҳазаларига назар ташлайлик.



ИСТИҚЛОЛ МКОНЛАРИ



Полвонназир ОТАЖОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, халқ таълими аълочиси:

– Бутун ҳаётим, умрим қадимий Хива билан боғланган, десам муболаға бўлмайди. Айниқса, кейинги йилларда бу кўҳна шаҳарда рўй берган ўзгаришларни таърифлашга тил ожиз, сўз камлик қилади. Масалан, бу ерга темир йўлнинг кириб келиши, замонавий вокзалнинг бар-по этилиши, транспорт инфратузилмасининг тубдан янгиланиши, сайёҳлар учун барча қулайликларнинг яратилиши ва Хиванинг халқаро туризм маркази сифатида эътироф этилиши кимнинг тушига кирганди?

Ўзимдан қиёс: 1987 йили имконияти чекланган болалар мактаб-интернатига раҳбар этиб тайинландим. Ўн уч йил давомида шу даргоҳда фаолият юритиб, болалар учун муносиб таълим ва тарбия муҳитини яратишни ўзимнинг шарафли бурчим деб билдим. Хорижий гуманитар ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб, ўнлаб грантларни юртимизга олиб келишга эришдик. Шу орқали тиббий хоналар, Брайл алифбосидаги ўқув қуроллари, махсус синфлар, тикувчилик ва пойабзал ишлаб чиқариш устaxonалари ташкил этилди. Бу ишларнинг барчаси юртимиз фарзандларининг келажаги учун қилинган меҳнат эди.

Мен учун энг унутилмас савобли ишлардан бири бу раҳматли профессор Шихназар Матрасулов билан биргаликда Хива шаҳрининг 2500 йиллик тарихини тасдиқловчи архив ҳужжатларини йиғишда иштирок этганим деб ҳисоблайман. Шунингдек, Ичан қалъа ва Дишан қалъанинг ўзбек, инглиз ҳамда немис тилларидаги илк туристик харитасини тайёрлашда қатнашдик. Бу хари-та бугун дунёнинг юзлаб мамлакатларига тарқалиб, Хи-

ванинг довуғини таратишга хизмат қилиб келмоқда. Мустақиллик шарофати туфайлигина табаррук замин – кўҳна Хоразм, қолаверса, бетакрор Хивамизга дунёнинг турли бурчакларидан сайёҳлар оқиб келмоқда. Бу эса бизга ўзгача фахру ифтихор бағишлайди.



Майсара ХУДОЙБЕРГАНОВА,
36-умумтаълим мактаби директори:

– Туманимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнлари қанчалик шитоб билан олиб борилаётганини сўз билан ифодалаш қийин. Қисқа даврда еттита мактаб янгидан қурилди, эски мактаблар реконструкция қилиниб, замонавий қиёфа кашф этди. Сўнгги уч йилнинг ўзида 17 та умумтаълим мактаби жорий таъмирланди.

Таълим беришнинг жаҳоний андазалари жорий қилиниши ўқувчиларнинг пухта билим олишларига мустаҳкам замин яратди. Айниқса, хорижий тилларни ўргатишга катта эътибор қаратилиб, шу йўналишларда ихтисослашган мактаблар ташкил қилиниши таълим сифатини кескин ошириб юборди. Мана сизга сўзимнинг исботи: ўн йил олдин битирувчиларнинг олий таълимга кириш кўрсаткичи туманимиз миқёсида атиги 9 фоизни ташкил қилган бўлса, амалдаги йилда бу кўрсаткич 50 фоиздан ошди!

Бугун жажжи болажонлар мактабга тайёр ҳолда қадам қўйишяпти. Яъни мактабгача таълим тизими нафақат болажонларни тарбиялаш, балки илк билим кўникмаларини шакллантиришга асосланган. Шу ўринда мактаб ёшигача бўлган болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш кўрсаткичининг охириги ўн йилда деярли ўн

баравар ошганини алоҳида қайд этиш керак. Ўн йил олдин мактабгача таълим қамрови 11 фоизни ташкил қилган бўлса, ҳозирда бу рақам 90 фоизга яқинлашиб қолди. Бугун ҳар бир маҳаллада давлат-хусусий шерикчилик асосида МТТлар фаолият юритмоқда.

Биргина таълим тизимида бу каби кескин тарихда камдан кам кузатилган. Учинчи Ренессанс пойдевори қўйилаётган юртимизда ёшларимизнинг пухта билим олиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Албатта, булар осмондан тушгани йўқ, балки буюк истиқлол шарофати туфайли рўй берди.



Учкун ҚУРОНБОЕВ,
паралимпия ўйинлари чемпиони:

– Менинг бобом бир замонлар элатимизда Алат (Аҳмад) полвон номи билан довуқ таратган. У кишининг ўғилларидан бири бўлмиш амакимизни Жумабой полвон дейишарди. Лекин уларнинг полвонлиги тўй давраларида кураш тушишдан нарига ўтмаган. Уёғи Дарғонота, бу ёғи Тошхувуз оралиғида танилган, холос. Миллий курашни улар бирорта ўқув масканида ўрганишмаган, мураббий кимлигини билмаганлар ҳам. Кураш усуллари оталаридан мерос бўлиб ўтган.

Бобомизу амакимиз бирор йигирма йил давраларда курашиб, кураги ерга тегмаган бўлсалар-да, уларга ақалли “спорт устаси” мақоми берилмаган. Осиё, жаҳон биринчиликлари у ёқда турсин, ҳеч бўлмаганда республика чемпионатида қатнашиш насиб қилмаган, армон билан ўтиб кетишди.

Мустақилликдан сўнг, айниқса, кейинги ўн йилда

ёшларнинг ўзлари севган спорт турлари билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди, жойларда ихтисослашган спорт мактаблари иш бошлади. Бу даргоҳларга тажрибали мураббийлар бириктирилди, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш тизими яратилди. Табиийки, бу каби хайрли ишлар жуда қисқа муддат ичида ўз натижасини кўрсатди. Бугунги кунда энг чекка маҳалла-қишлоқлардан ҳам чемпионлар етишиб чиқиши одатий ҳол бўлиб қолди.

Тўрт йилда бир марта бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинлари энг нуфузли мусобақа ҳисобланади. Ҳар қандай спортчи ушбу мусобақада қатнашишни орзу қилади. Ўзимдан қиёс: болаликдан миллий кураш билан ихтисослашган спорт мактабида шуғулландим. Паралимпия ўйинлари йўлланмасини қўлга киритгунча бир қатор халқаро мусобақаларда ғолиблик шоҳсупасига кўтарилдим. 2020 йили Токиода бўлиб ўтган Ёзги олимпиада ўйинлари доирасида ўтказилган паралимпия бешлашуварларида барча рақибларимни енгиб, олтин медаль соҳибига айландим. Бу ҳаётимдаги энг қувончли воқеа сифатида умрбод хотирамда сақланиб қолди. Нега десангиз, худди шу кунни муҳтарам Президентимиз менга кўнғироқ қилиб, шахсан табриклади. Қолаверса, юртимизга қайтиб келганимдан сўнг муносиб тақдирландим.

Буни қарангки, воҳанинг чекка бир қишлоғида туғилиб ўсган мендай бир йигит армон билан ўтиб кетган полвон боболаримнинг ушалмаган орзуларига эришдим. Ишончим комилки, насиб этса ҳали элимиздан яна кўплаб олимпиада, жаҳон ва Осиё чемпионлари етишиб чиқади.

Биламан, мамлакатни спортчилик тез дунёга танитадиган соҳа йўқ, Масалан, бизнинг туманимиздан 367 нафар ёшлар жаҳон ва Осиё чемпионати ва кубоги ҳамда турли халқаро спорт мусобақаларида муваффақиятли қатнашиб, 149 та олтин, 98 та кумуш, 120 та бронза медалини қўлга киритди. Жумладан, халқаро турнирларда 19 та олтин, 17 та кумуш, 23 та бронза, Ўзбекистон чемпио-нати ва кубокларида 39 та олтин, 24 та кумуш, 28 та бронза медалларига сазовор бўлган.

Яна шунинг мамнунияти билан таъкидлашни истардим-ки, туманимизда кейинги йилларда жамоавий спорт турлари ҳам анча ривожланиб бормоқда. Масалан, регби бўйича туманимиз жамоаси икки қарра Ўзбекистон чемпионатида ғолиб бўлди. Осиё ўйинларида қатнашиш учун 11-12 апрель кунлари бўлиб ўтган халқаро турнирда эрка-лар жамоаси 3-ўринни, аёллар жамоаси 2-ўринни эгал-лаб, жорий йил 19 сентябрдан 4 октябргача Япониянинг Нагоя шаҳрида ўтказиладиган Осиё ўйинларига йўллан-мани қўлга киритишди.

Бир сўз билан айтганда, агар истиқлол рўй бермаган-нида ҳали ҳамон Боғотдан нарини кўрмаган бўларимдими...

“XXI asr” муҳбири
Рўзимбой ҲАСАН ёзиб олди.

СЕМИНАР

ОГОҲ БЎЛИНГ!

O'zLiDeP
Қашқадарё
вилоят кенгаши
томонидан “Халқ
билан бирга”
умуммиллий
дастури доирасида
хотин-қизларнинг
хуқуқ ва
манфаатларини
ҳимоя қилиш,
жамиятдаги
фаоллигини
кучайтириш,
бизнесга жалб этиш
орқали бандлиги
ва фаровонлигини
таъминлаш бўйича
давра суҳбатлари
ва амалий
семинарлар
ташкил этилмоқда.

Ҳамма гап тажрибада!



Дастурнинг “Бугун-нинг тадбиркор аёли” лойи-хаси доирасида “Шўртан-газкимё” мажмуаси билан ҳамкорликда ташкил этил-ган семинар-тренингда хо-тин-қизларни тадбиркорлик-ка йўналтириш ва замонавий ишбилармонлик маҳорати-ни ошириш мақсад қилинди. Мажмуа ишчи-хизматчилар-и, Ғузор тумани ва Қарши шаҳридан келган опа-сингил-лар иштирок этган тадбирда давлат томонидан ажрати-лаётган имтиёзли кредитлар, оилавий бизнесни ривожлан-тириш усуллари, хунарман-дчиликни қўллаб-қувватлаш борасидаги кенг кўламли ис-лохотлар ҳақида маълумот берилди.

– Бу ерда меҳнат қилаёт-ган хотин-қизларнинг аксари-яти O'zLiDeP аъзоси, партия фаоли, – дейди “Шўртан газ

кимё” мажмуаси хотин-қиз-лар ва гендер масалалари бўлими бошлиғи Динара Осимова. – Айтиш керакки, ушбу лойиҳа воҳамиздаги хотин-қизларнинг тадбир-корлик салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларни янги бизнес ташаббусларига ундаш ва иш ўринлари яратишда анча кўл келмоқда. Ўтиздан ор-тиқ аёлларимиз ишдан бўш

вақтида оилавий тадбиркор-ликни йўлга қўйишди ва ет-мишга яқин хотин-қизнинг бандлигини таъминлашди. Хусусан, улар иссиқхоначи-лик, гиламчилик, тикувчилик, каштачилик, қандолатчилик-да ўзларини кўрсатишмоқда. Партия дастури доира-сида етакчи тадбиркор ва ҳу-нарманд аёллар ўз маҳсулот-ларини кўرғазмада намоиш

этишди. Фаолиятлари даво-мида дуч келган муаммолар-ни қандай енггани, эришган ютуқлари ва келгуси режалар-и ҳақида сўзлаб берди. Сўнг қатнашчилар мажмуа тарихи музейидаги экспонатлар ва-билан танишишди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” муҳбири



ЎЗИНИ АСРАГАННИ...

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирилик томонидан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, ишлаб чиқариш объектларида ёнғин ва техноген ҳужудга вазиятларнинг олдини олиш мақсадида “UzAuto Motors” АЖда “Долзарб 60 кун” ҳамда “Хавфли объектларда профилактика ойлари” доирасида кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тадбирлар давомида корхонанинг ишлаб чиқариш цехлари, маъмурий бинолари, омбор-хоналари, хавфли ишлаб чиқариш объектлари, технологик линиялари, муҳандислик-коммуни-кация тармоқлари, энергия таъминоти тизимла-ри, газ хўжалиги, босим остида ишловчи қурил-малар, юк кўтариш механизмлари ҳамда ёнғин хавфсизлиги тизимларининг техник ҳолати ўр-ганилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан масъулларга амалий тавсиялар берилиб, уларнинг ижроси назоратга олинди.

Шунингдек, ишчи-ходимлар иштироки-да ёнғин ва саноат хавфсизлиги қоидалари, фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қи-лиш, эвакуация тартиби ҳамда бирламчи ёнғин ўчириш воситаларидан самарали фойдаланиш бўйича ўқув-семинарлар ва амалий машғулот-лар ўтказилди. Машғулотларда ёнғиннинг ке-либ чиқиш сабаблари, олдини олиш чоралари, хавфсиз меҳнат маданиятини шакллантириш ва ҳар бир ходимнинг шахсий масъулиятини оши-

риш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Корхона раҳбарияти ва масъул хизмат ва-киллари билан ҳамкорликда эвакуация йўлак-лари, электр жиҳозлари ҳамда ёнғин ўчириш воситаларининг шайлиги ҳам кўздан кечири-либ, хавфсизлик талабларига сўзсиз риоя этиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Бундай профилактик ишлар ишлаб чиқа-риш жараёнида юзгага келиши мумкин бўлган авариялар, ёнғинлар ва бошқа фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, хавфсиз меҳнат шaroитини таъминлаш, ходимларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш ҳамда саноат хавфсизлиги соҳасидаги қонунчилик талабла-рига қатъий риоя этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Н. ЖУМАОЕВ,
“UzAuto Motors” АЖ ОФВБ инспектори,
лейтенант

ЭЪТИРОФ

ТАРИХ ТЎЛҚИНИДАГИ ИЗҲОРЛАР

Бошланиши 1-саҳифада.

“Чин қалбдан миннатдорлик билдираман”

Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат раҳбарлиги лавозимига киришган илк кунлариданоқ бир фикрни бот-бот такрорлаган эдилар: *“Ислохотларнинг натижасини одамлар ўз тақдирида, кундалик ҳаётида ҳис қилиши керак”*. Бу сўзлар ўшанда кўпчилик қатори мен учун ҳам чиройли бир шiorдек туюлган бўлиши мумкин. Аммо вақт ўтиб, бу даъват оддий одамларнинг, жумладан, менинг oilамнинг ҳаётини буткул ўзгартирган ҳақиқатга айланди.

Ёшим ҳозир 50 да. Шу кунгача журналистика соҳасида сидқидилдан меҳнат қилиб келдим, кам бўлмадим. Лекин очигини айтиш керак, юқори давлат мукофотлари, эътирофлар биз каби оддий ижодкорлар учун фақат ушалмас орзудек эди. Баъзан ўзимдан анча ёш ука-сингилларимизнинг кўксига медаллари кўрганда, ичимдан бир ширин ҳавас ўтса-да, “Кўкрак нишони олиш ҳам тепадан ҳал этилса керак”, деган андиша билан бироз уялиб ҳам кўядим.

Албатта, юртимизда давлат мукофотлари ва медаллар бериш тизими аввалдан бўлган, бу янгилик эмас. Бу гапларим билан Президентимиз мутлақо янги тартиб жорий қилди, демоқчи эмасман. Гап шундаки, бугунги шиддатли ислохотлар замонида, ҳаёт суръати тез ўзгараётган бир пайтда менинг камтарона меҳнатим ҳам эътибордан четда қолмагани одамни тўлқинлантириб юборар экан. Бироз нокамтарлик туюлса-да, ҳаётимдаги ўша энг қувончли, унутилмас дамлари бугун қайта эслагим келди. 2021 йилда давлат мукофоти олган журналистларни тақдирлаш маросимида мен ҳам Президентимизнинг эътиборларига тушдим ва “Шўхрат” медали билан тақдирландим. Бу қувонч устига чиройли қувонч бўлиб, ортидан Мустақилликнинг 30 йиллиги кўкрак нишони ҳам топирилди.

Энг муҳими, ўзгаришлар фақат мен билан чекланиб қолмади. Таълим тизимидаги ислохотлар фарзандларим тақдирида энг катта ютуқларга пойдевор бўлди.



Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ

2016 йилда катта қизим олий ўқув юртига шартнома асосида ўқишга кирди. Ўша пайтлар оддий oilа учун шартнома пулини тўлаш қанчалик ogир бўлганини бошидан ўтган билади. Кейинги йил иккинчи қизим ҳам ҳужжат топширди. Юрагимда озроқ ҳадик бор эди. Агар у ҳам контрактга кирса, иккаласини бирдек ўқитишга қийналиб қолардик...

Худди шу пайтда Президентимиз ташаббуси билан ижодий йўналишдаги университетларга қабул тизими ўзгарди. Тест синовлари асосий oilил сифатида эмас, балки абитуриентнинг ҳақиқий ижодкорлик қобилияти биринчи ўринга қўйиладиган бўлди. Бунинг натижасида Камолитдин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтига ҳужжат топширган қизим ижодий имтиҳонлардан энг юқори балл олиб, ўз иқтидори билан грант асосида ўқишга қабул қилинди. Oilамиздан ташвиш булутлари тарқаб, уйимизга қувонч кирди.

Яна бир ҳақиқий мўъжиза ўғлимнинг тақдирида юз берди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатда мутлақо янги тизим – Президент мактаблари ташкил этилди. Тўғриси, у ерга фақат “танка”си борлар қиради, деган эскича қарашлар ҳали йўқолмаган эди. Бироқ ўғлим ўз билимига ишониб, Тошкентдаги Президент мактабига ҳужжат топширди ва шаффоф имтиҳонлар орқали юқори натижа билан ўқишга кирди. Ўғлим ушбу мактабни муваффақиятли тамомлаб, халқаро рейтингда ТОП-20 талиқда турувчи дунёнинг энг нуфузли таълим масканларидан бири – Нью-Йорк университети (NYU) грант асосида қабул қилинди. Тасаввур қилпасизми, тўрт йиллик ўқиш учун нақд 360 минг долларлик грант!

Агар мамлакатда мана шундай тизимли ислохотлар бўлмаганида, биздек фақат oilик маошга кун кўрадиган оддий инсонларнинг фарзанди бундай улўввор университетлар оstonасини боса олармиди? Асло йўқ! Янада қувончлиси ва oilамиз учун фахрлиси – ўғлим мана шу улкан ютуқлари эвазига Президентимиз билан шахсан учрашиш бахтига муяссар бўлди ва дуоларини олди. Бу бир ёш йигитнинг ҳаёти учун унутилмас воқеа, бутун умрга етадиган катта куч-қувват бўлди. Мана шу эмасми, Президентимиз айтган “ўзгаришларнинг одамлар тақдиридидаги акси”? Бугун биз бу бахтни ҳар сонияда ҳис қиляпмиз.

“Гапларимни Президент эшитсин”

Икки-уч ҳафтадан бери турли худудларда ижтимоий ҳимоя тизимидаги вазиятни ўрганиш учун одамлар билан суҳбатлашаман. Сирдарёда 8 болани асраб олган, жами 10 фарзандга ота-оналик қилаётган Гадовевлар хонадонига бориб келдим. 8 боладан интервью олиб, 8 марта кўзимда ёшни аранг тутиб турдим. Улар болалар шахарчасида ўтган кунларини эслашди. Назоратсизлик, қаровсизлик, чўнтаккесарлик, наркотик моддалар истеъмоли... ортда қолди, дейди улар ота-онасини маҳкам кўчоқлаб.



Азиза ҚУРБОНОВА

Беҳ-олти йиллаб кўчага чиқмаган бир неча аёл билан гаплашдим. Уларнинг ногирон фарзандлари бор, шунинг учун ўқиш-ишни ташлашларига тўғри келган, шахсий ҳаёт, ривожланиш ҳам тўхтаган. Мен уларни кундузги парварिश марказларидан топдим, ўтган йилдан бери болаларни шу ерда 5-6 соатга қолдириб, кимдир ўқияпти, кимдир ишга қиряпти. Баъзи аёллар боласининг ёнида бўлиш учун шу ерга ишга кирган, дефектология, массажни ўрганган, даромад топяпти.

Ижтимоий ҳамроҳ марказида ҳам бўлдим. Ёши улўф кишилар пенсиядан кейин уйда зерикади, гаплашишга шерик қидиради. Мазза қилиб бадантарбия қилаётган қариялар билан гаплашдим. Яна у ерда диний мотив билан айбланиб 18 йил умри қамоқларда ўтган, ҳатто Жасликчака борган собиқ маҳбус ҳам соғлигини тиклаётган экан. 2017 йилдан кейин озодликка чиқибди, уйланибди, икки қизли бўлибди, новвойхона очибди...

Реаблитация марказига бордим. Қайнонаси битта хумни қизғонга дўппослаган ёки эри кредитларга кўмиб, ишламай, ур тепки-сур тепки қилган аёллар қирқ кун давомида марказда бошпана топгани, психологик-ҳуқуқий ёрдам олгани ҳақида гапириб беради. Отам йўқ эди, давлат отамга айланиб қолди, қийналсам, идораларга бора-вераман, дейди яна бири.

Азиза деган ижтимоий ходим билан танишдим. У билан бирга хонадонларга кирдим. Бир йигитчага пропискасидан қатъи назар 1-гурўх ногиронлик белгиланибди, адаптив спортга қатнаша бошлабди. Ҳеч кими йўқ онахонга эса ҳар кун ижтимоий ассистент келаркан: овқатини қилиб, уйини тозалайди, дори-дармонини олиб келиб беради.

Парковка тизимида қонуний oilик олиб ишлаган Муҳсина билан сурдотаржимон ёрдамида “гаплашдим”. 6 миллион oilик оляпман, ишимдан фахрланаман, дейди у имо-ишоралар билан. Мен ундан бармоқлар ёрдамида “бахтлиман” деб айтишни ўргандим.

Йигитчани қидириб топдим, телефонда гаплашдим. Эсингиздами, сиз билан шунақа воқеа бўлган экан, деб гап бошласам, “Эсдан чиқариб бўладими, ўшандан кейин ҳаётим ўзгарди, талаба бўлдим, бу йил ўқшени битирдим, уй берди давлат, 50 миллион пул олдим... Қаредадир буни айтиб бергим келяпти...”

Ижтимоий ҳимоя фильми баҳона жуда кўп одамлар билан гаплашдим. Уларнинг эски ва янги муаммоларини, ҳасратлари ва қувончларини эшитдим. Шу пайтгача олган ёрдамлари, уларга кўрсатилган хизматлар ҳаммаси бе-пул ва беминнат бўлганини айтишди. Фақат камера-микрофон олдида эмас, камера ўчганида ҳам айтган гапи шу бўлди.

Ҳаммаларининг илтимоси битта: “Гапларимни Президентимиз эшитсинлар, раҳматини айтганимни қўйинг кўрсатувингизга. Фақат шу шарт билан дардларимни айтаман”.

Хулосам шуки, давлат узоқ вақт ижтимоий ҳимояга энг муҳтож қатламни инкор қилган, кўриб-кўрмасликка олган. Улар жамият учун ҳам маргинал қатламга айланган. Заиф қатламга ажратиладиган пуллар нотўғри тақсимланган, коррупцияга ботган. Баъзилар ногиронлик белгиланганда икки-уч ой нафақасини “собес” билан баҳам кўришга мажбур бўлган. Ва ҳоказо, ва ҳоказо. Албатта, соҳада муаммо кўп, қамраб олинмаганлар ҳали кўп, қаерда қандай хизмат ва имконият борлигини билмайдиганлар улاردан-да кўп. Аммо мен гишт қолипдан кўчгани, жараён кетаётгани, давлат ўзининг фуқароларини тенг кўриш учун тизимларини ўзгартаришга уринаётганига гувоҳ бўлдим. Ҳали фильм монтажини туғатишга улгурганимча йўқ, Лекин одамларнинг омонат гапини етказиш бурчим: “Раҳмат сизга, Президент! Узоқ умр кўринг”.

“Юрагимдаги қўрқувни олиб ташлади”

“Прописка” муаммоси энг чўққига чиққан вақт эди. Кўча томоннинг пардаларини зич ёпиб, чироқлари ёқмай ўтирардик, ҳеч ким яшашайди, деб ўйлашлари учун. Эшикни ҳеч кимга очмасдик.

Бир куни эшик тақиллади. Табиийки, очмадик. Бир пайт подъездда перфоратор тариллашни бошлади. Жон-поним чиқиб кетди. Эшикни очганимиз учун бузиб киришмоқчи, деб ўйладим. Нима бўлса бўлди, пичоқ суякка қадалди, деганда ваҳоҳат билан эшикни очдим!



Санжар САИД

Очсам, юқори қаватда мен корейс тилидан дарс берадиган ўқувчим йўлак чироғини ўрнатиш учун тешик очаетган экан, дрепл билан...

Биргина шу қўрқувни юз минглаб юртдошларимиз қатори мендан ҳам олиб ташлагани учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевдан миннатдорман!

“Бир инсонга раҳмат айтишим керак...”

Дам олиш куни уйни тартибга келтираётиб, жавон тепасида анча вақтдан бери турган жомадонни очиб кўрдим. Ичида арзимас майда-чўдайлар униқиб ётибди: қорайиб кетган калит; елимланган конверт; турли йилларда олинган турлича васиқалар; Фузулий ғазаллари жамланган ихчам китоб; житой тилида ёзилган қандайдир рисола; ўқишдан “ачислена” бўлган дўстимнинг “зачўтка”си ва ҳоказолар. Ҳаммасини эслагша тиришдим. Бу нарсалар қандай қилиб бир ерга тўпланиб қолди, нима учун мантиқсиз равишда алоҳида тўплаб қўйган эдим?

Калит. 2016 йил, ёз. Янгийўл тумани Тожик маҳалладан ҳовли-уй қуришга ер олдим. Пулини бўлиб-бўлиб беришга келишдик. Ошна-огайни, қариндош-уруғ икки хонали ЯТББ (яшаб турса бўладиган бошпана) қурдим. ЯТББга кўчиб кирдик. Бу орада нарх-наво ўзгариб кетди, пул келадиган бошқа келишувларим барбод бўлди, уйни гаровга қўйиб кредит олишга роса ҳаракат қилдим. Биров қурилиш микдорини ярмича пул (пора) сўрайди, биров кредитдан тўғри келган афти-ангоримга қараб гаплашгиси келмайди ва ҳоказо. Савдо бузилди, ЯТББ ҳам. Яхшигина тушдим.

Елимланган конверт. Кўкчадаги туғуруқхона ҳовлисида хомуш турибман. 2010 йил 8 март. Кўлимда рецетплар ёзилган майда-дада қоғозчалар. Ҳалигина туғилган ўғлим ва онаси учун шулар керак экан. Раҳ-

матли устозимнинг синглиси Нигора Шермуҳаммедова вазиятдан хабар топиб, тезда туғуруқхонага келди. Ресептни кўриб, уни ёзган докторнинг юзига қоғозни йиртиб-йиртиб отди: “Она-болага дахли йўқ-ку бунинг”. Доктор индамади-ю, лекин кечқурун ресепт ёзилган беш-ўнта калта қоғоз бериб, шуларни тезда олиб келинг, папаша, бўлмаса болани кутқариб қололмай-миз, деган. Конвертда ана ўша кунги ресепт жойланган ва устига шундоқ ёзилган: “Саййидбобо туғилган кунда олинган дори-дармонлар...”

Васиқа – 1, 2. 1) Менда Тошканга уч oilик вақтинчалик прописка қўйилганим ҳақида жуда кўп васиқалар бор. Аммо буниси айрича қимматли бўлгани учун жомадонга алоҳида сақлаб қўйган эканман. Гап шундаки, бу тепа-текинга бўлган ягона прописка. Уй эгасига “бир пиёла чой” берилмаган, йўл ҳақи берилмаган, нозирга беш-тўрт сўм қистарилмаган. Фозил Фарҳод толган бир инсофли опанинг уйига вақтинчалик прописка қилинган эдик. Ўша пайт 2010 йиллар эди.

2) “Улим гувоҳонамаси” – укам Шаҳзод авария туфайли оламдан ўтди. Судда автоҳалокат содир қилган иккала ҳайдовчи айбдор деб топилди ва ўша заҳоти амнистия туфайли жиноий жавобгарликдан озод қилинди. Отам ер тепди, онам ҳуввос қолиб ййглади, мени алам ёқди, на чора. Билсак, шундай турдаги ҳолатлар бўйича терговни ноябрь-декабрга қадар чўзи турилса, бу ёғи амнистия экан. Инсон ўлими билан боғлиқ жиноятларни алоҳида тартибда кўриб чиқса бўлар экан, шунчаки кечир-иш орқали бир томонни оташга солиш тўғри иш бўлмаган экан. Буни кейинроқ тушундик.



Беҳзод ҚОБУЛОВ

Фузулий китоби. 2009 йил. “Шарқ зиёкори” китоб дўкони олтидан ўтаётганда шу китобни олиш учун бир дақиқагина дўконга кирдим. Икки кун олдин кўрганман, олишга пулим етмаган, китоб қайси жойда турганини ҳам биламан. Эски “Жигули”ни четроққа олиб, китобга кириб чиқдим. Тўхташ тақиқланган деган белги йўқ эди. ДАН ходимлари машинамиз олдида кутиб олишди ва каттагина жарима ёзишди. Аввалига роса ялинтирди. Муроса қилолмадик. Кейин ўрлигим тутиб, шунча машина турибди, нега айнан менга шунақа қиялпасиз, яшаб бўлмай қолди-ку достинглардан, деб ҳайқирганча кўлимдаги бақлажкани ерга улуктирдим. Ҳолат бўйича шикоят қилиш, ҳақлигингни исботлаш учун қонуний инструментлардан фойдаланиш қаёқда? Халқда бундай тафаккурнинг ўзи бўлмаган.

Житой тилидаги рисола. Ўша жаримани тўлаш учун шоир укам Бобур Элмурод иккаламиз мук тушиб, пул ишлаш учун ҳар мақомга йўрғаладик. У ўқишни тамомлаган, тайинли иш йўқ, ижарада уйимда иккаламиз туну кун ишлаймиз. Буюртма чикса бас, луғатимизда “бил-маймиз”, “қила олмаймиз”, деган жумла йўқ. Ҳамма иш-ни бажарамиз. Шарқшунослик университетидеда ўқийдиган бир магистрант житой тилида диссертациясини ёзишга кўмаклашимизни сўради. Таклиф қилинаётган сумма каттагина, бироқ бизлар житой тилини билмай-миз. Биз йўлбай ўтирмай бу ишга киришдик, бўнак олдик... гогллаб... увиллаб... чувиллаб... кулги ва йиғи орасида мутаассир бўлиб ишни аяқунладик. Энг қизиги, ўша йигит диссертацияни “аъло”га ҳимоя қилиб, раҳмат акалар, деб яна озроқ пул бериб кетган. Ўша пулга бўкиб ичдик ва Бобур зўр шоир бўлишга, мен эса зўр файласуф олим бўлишга бир-бириимизга ваъда бериб, бундайқилин ишларни абадул абад тўхтатдик.

“Зачўтка”. Дўстим тиришқоқ бола эди. Айни имтиҳонлар вақтида отаси қазо қилди. Ййглаб қишлоққа кетди ва бир oilар дарсга келолмади. Кейин ўқишдан ҳайдади. Биров нима бўлди, нега дарсга келмаяпти, деб сўрамади. Унга академик таътил олиш имкони берилмади. Ректорини айтмай қўяқолай, декан ҳам, ўх-хў, катта одам, у билан талаба ўртасида диалог йўқ эди.

Жомадоннинг ўзи. Тошкентда кетаётганимни эшитиб, Ҳасанбой сартарош йўқлаб келибди: “Кетсанг, нарсаларингни шунга сол, мен буни армиядан олиб келганман. Болаларим ортингдан ўқишга борсин, илоҳим...” Сартарошни қайтиб кўрмадим. Жомадон эса йигирма йилки мен билан бирга. У 2 та “обшиш”, 23 та ижара квартира кўрди. Бу бўладиган гап, нолиш йўқ. Худого шукр, жомадоним ўз уйимни ҳам кўрганига етти-саккиз сана бўлди.

Хуллас, ана шунақа гаплар. Кейин кў-ўп нарса ўзгарди. Бошбошоқлик камайди. Бу ўзгаришлар учун мен бир инсонга раҳмат айтишим керак: Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга. Лекин уяламан қургур.

МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Сирожиiddин САЙИЙД

Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ
Нодир ЖУМАЕВ

Гулшана ХУДОЁРОВА
Шўхрат АСЛОНОВ
Абдулла АСЛОНОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги (собиқ Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил
14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компаниясис босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматидеда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ,
Буюртма рақами: Г – 745
Адади: 4 106
Баҳоиси келишилган нархда.
Топирилди – 21:15

Тахририятга келган кўлёзмалар такрар
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” давр олинган маълумотларга амба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер
марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Фаррух ЖАББОРОВ